



## МАНҒИТЛАР ҲУҚМРОНЛИГИ ДАВРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН АЙРИМ ИЖТИМОЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ “ТАРИХИ ХУМУЛИЙ” АСАРИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

Мухиддинова Мавзуна Сирожиддин қизи <sup>1</sup>

<sup>1</sup> СамДУ таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5797200>

### ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 10 декабрь 2021 г.  
Утверждено: 15 декабрь 2021 г.  
Опубликовано: 20 декабрь 2021 г.

### КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

Манғитлар, Амир  
Шоҳмурод, таълим  
тизими, мадраса, мактаб,  
Самарқанд, Тарихи  
Хумулий.

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада Бухоро ва Самарқанд каби шаҳарларда ташкил этилган таълим тизими хусусида сўз боради. Хусусан, мазкур шаҳарларнинг манғитлар даврига келиб, илм-фан марказларига айлангани хусусида маълумотлар тарихий манбалар асосида таҳлил этилиб, очиб берилган. Бундан ташқари, Бухоро амирлигидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар натижасида қайта ишга туширилган таълим муассасалари, уларга ўқитувчи ва мураббийларнинг тайинланиши ҳақидаги маълумотлар ёритиб берилган. Шунингдек, бу даврда Самарқандда олиб борилган ислоҳотлар, хусусан, таълим ислоҳотлари муҳим тарихий манба ҳисобланган “Тарихи Хумулий” асари асосида таҳлил қилинган. Мақолада шунингдек, Тарихи Хумулий асари, унинг муаллифи ҳамда унда ёритилган масалалар хусусида сўз боради.*

Илм-фан, таълим-тарбиянинг ташаккулида башарият қадриятларига айланган мадрасалар барча замон ва маконларда тараққиётнинг асоси ҳисобланган. Шундай илм-фан ва маданият марказлари сифатида юртимиздаги бир қанча шаҳарларни зикр этмоқ жоиз. Жумладан Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Тошкент каби шаҳарлар шулар жумласидандир. Хусусан, Бухоронинг манғитлар ҳукмдорлиги пайтига келиб ўзига хос илм марказларидан бирига айлангани тарихий манбаларда қайд этилган. Бухоро ва Самарқандда ободонлаштириш, масжид ва мадрасалар қуриш ва иқтисодий тараққиётга эришишга бўлган

ҳаракатлар Амир Шоҳмурод даврида кучайди. Амир Шоҳмурод томонидан бўшаб қолган ёки умуман харобага айлана бошлаган мадрасаларнинг қайта тикланиши ва унда таълим тизимининг қайта йўлга қўйилиши мазкур шаҳарларнинг тараққиётига ҳисса қўшган. Жумладан Мирийнинг хабар беришича, Шоҳмурод ҳокимият тепасига келгунига қадар аксар таълим муассасалари бўшаб қолган, уларнинг биноларидан эса ғалла омбори сифатида фойдаланиб келинган.[1. -52-53а.] Шунингдек, бу пайтга келиб мадрасалар билан бир қаторда масжидлар таркибида ҳам мактаблар ташкил этилган. Мактабларда бошланғич таълим сифатида ўғил



болаларга дастлаб араб алифбосида ўқиш ва ёзиш ўргатилиб, ундан сўнг Қуръон оятларини ўқиш тизими йўлга қўйилган. Ўқувчилар Қуръон ўқишни ўрганганларидан кейин уларга икки йил давомида “Ҳафтияк” китоби (Қуръон сураларининг 1/7 қисми) ўқитилганлигини қайд этиш жоиз. Маълумотларга кўра 1830 йилларда Бухорода 366 та таълим муассасаси фаолият юритган.[2] Эътиборли жиҳати ушбу мактабларда таълим учун мадрасалардан фарқли равишда мударрис эмас балки масжид имоми масъул бўлган. Мактабларнинг таъминоти эса, таълим олувчиларнинг ота-онасидан ундирилган маблағлар ҳисобидан бўлганлигини қайд этмоқ жоиз.[3]

Бухоро мадрасалари ўзида олий таълим шаклини намоён этганлиги билан аҳамиятлидир. Амир Шоҳмурод, Амир Насруллоҳ ва Амир Ҳайдарлар даврига келиб, мадрасаларга давлат аҳамияти даражасида эътибор қаратилган. Хусусан, мадрасаларда диний таълимга катта аҳамият берилган бўлиб, Амир Шоҳмурод томонидан талабалар солиқ йиғимларидан тўпланган маблағлар ҳисобидан муайян маош (стипендия) билан таъминланганлар.[4]

Бухорода 150 та мадраса фаолият юритган. Мазкур мадрасаларда ўттиз минг нафар талаба таҳсил олган.[5 -331] Бухородаги машҳур мадрасалар сифатида Мир-и Араб, Абдул-Азизхон, Кўкалдош, Абдуллахон, Улуғбек, Нодир Девон Беги, Чор Минор кабиларни зикр этиш мумкин.

Бухородан кейин илм-фан ва таълимнинг маркази сифатида

Самарқанд шаҳрини қайд этмоқ керак. XVIII асрда зиддият ва тортишувлар майдонига айланган Самарқанднинг иқтисодиёти, ижтимоий ва сиёсий ҳаёти абгор ҳолга келиб қолган эди. Аммо Амир Шоҳмурод бу шаҳарга ҳам ўзининг эътиборини қаратиб, шаҳарнинг иқтисодий вазиятини ўнглаш, сув ва суғориш иншоотларини таъмирлаш ва ниҳоят бу ерда ҳам мавжуд мадраса ва таълим марказларини қайта тиклаш йўлидан борди. Мадрасаларни тиклашга асосан уч йўл билан эришилди. Биринчи навбатда мавжуд мадраса бинолари таъмирланди, иккинчидан уларни молиялаштириш вақф институтлари воситасида йўлга қўйилди. Учинчидан уларга масъул шахслар ичидан ўқитувчи-мударрислар тайинланди.[6] Эътиборли жиҳати шундаки, йирик мадрасаларга мударрислар ҳукмдор томонидан тайинланган. Бу анъана темурийлар даврида ҳам мавжуд бўлган. Фикримизга Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан чиқарилган “Мавлоно Рукниддинни мударрисликка тайинлаш тўғрисида”ги фармон мисол бўла олади.[7] Худди шундай анъана Манғитлар даврида ҳам давом этганлигини кузатиш мумкин.

Самарқандда ўндан зиёд мадрасалар фаолият юритган масалан, Мирзо Улуғбек, Шердор, Тиллокори, Хожа Аҳрор, Олий, Қози Абдул Ғафур, Мўйи Муборак, Давлат кушбеги, Мулло Рафии оқсоқол, Кўк масжид, Ҳазрати Шоҳ каби мадрасалар шулар жумласидандир. Масжид ва мадрасалар қурилиши бевосита ислом дини билан боғлиқ бўлиб, бундай ишлар савоб саналган. Энг қизиғи масжид ва мадрасаларнинг қурилишини олиб



борган, уларни молиялаштирган баъзи ҳукмдорларнинг ўзлари ҳам мазкур мадрасалардаги таълим жараёнида бевосита иштирок этиб, талабаларга таълим берганлар. Жумладан Амир Шоҳмурод ва Амир Ҳайдар ўқитувчи-мударрис сифатида ҳам фаолият олиб борганлар. Амир Шоҳмурод Бурҳониддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” асаридан, ал-Паздавийнинг “Китоби усул ад-дин” асаридан шунингдек, машҳур андалус муфассири аш Шоғибий (1194 йилда вафот этган)нинг асарларидан таълим берган.[4. -332] Мирийнинг хабарига кўра Амир Шоҳмурод андалуслик тафсир уламосининг Қуръонга ёзган тафсирини ёддан билган.[1]

Бундан ташқари, Амир Шоҳмуроднинг илм аҳли, хусусан, уламолар ва шайхларга эътибори кучли бўлганлигини қайд этмоқ жоиз. Сўзимизни Тарихи Хумулий асаридан ўрин олган қуйидаги лавҳа далиллайди. “Жаноб устозни Бухоро амири Шоҳмурод Бухородан яхши саруполар кийгизиб яхши отларга миндириб кўп иззату икромлар кўрсатиб Самарқандга жўнатди ва у кишини Самарқанддаги Тиллакори Ялангтўшбий мадрасасига мударрис, фатво бериш амали ва Даҳбед зиёратгоҳининг ишини юргизувчи мансабларига мансуб қилди. У кишини мартабаларини бошқалардан юқори кўтарди. Ҳазрати устод Амирнинг фармониغا мувофиқ амал қилиб, Самарқандга келиб иш бошладилар”. [8. -776] Умуман олганда Бухоро ва Самарқандда Амир Шоҳмурод ва манғитлар сулоласининг бошқа вакиллари томонидан олиб борилган бунёдкорлик, ободончилик ишлари

хусусида маълумотларни ўзида жамлаган “Тарихи Хумулий” асари бу давр ҳақида маълумот берувчи муҳим тарихий манбалардан саналади.

“Тарихи Хумулий” номи билан шуҳрат қозонган асар муаллифи бўлган Жумақули ибн Сўфимуҳаммад Тағойи ат-Туркий ас-Самарқандий аш-Шавдорий ал-Ургутий (Моғиюн қишлоғи Шавдор туманига қараганлиги учун Шавдорий, улар яшаган жой Ургут беклигига қараганлиги учун Ургутий нисбасини олган) XVIII аср охири XIX аср бошларида (1777-йилда туғилган вафоти намаълум) яшаган. У ўз замонасида машҳур уламолари сафида бўлиб, тарихий асаридан ташқари назмий ва насрий йўналишда ижод қилганлиги маълум. Жумақули Хумулийнинг “Девони Хумулий”, “Рисолаи Хумулий”, “Маснавий-и шоҳ ва гадо”, “Манзумоти тарихия” каби асарлари бизгача етиб келган. Унинг тарих соҳасига оид бўлган “Тарихи Хумулий” асари форс тилида ёзилган бўлиб, Бухоро амирлиги, хусусан Самарқанд тарихини ўзида мужассам этган ноёб илмий-тарихий асардир. Асарнинг бир нечта қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улардан энг тўлиғи ЎЗР ФА Шаркшунослик институти қўлёзмаси (инв.№37/VI) ҳисобланади. Шунингдек, қўлёзма нусхалардан ташқари Жумақули Хумулийнинг “Тарихи Хумулий” асари танқидий матни 2013-йилда ЮНЭСКО ташкилоти ҳомийлигида Ғулом Каримий ва Ирода Қайюмова сўзбошиси билан нашр этилган.

Асарда муаллифнинг туғилган вақтидан бошлаб, бошидан кечирган воқеалар ҳикоя қилинган. Бу ҳақида муаллиф “Бу варақларда кўз билан



кўрган воқеаларни ёздим, қулоқ билан эшитганларимни ёзмадим” дея қайд этган. Асар маълум бўлим ёки бобларга ажратилмаган, фақатгина асарнинг кириш қисмида унинг муқаддима, бир мақола ва бир хотимадан иборат бўлиши таъкидланган. Асарда муаллифнинг Китоб, Самарқанд, Бухоро мадрасаларида таҳсил олгани, у ердаги мударрислар, устозлари ҳақида маълумотлар келтиради. Дастлабки билимларни уйи яқинидаги мактабда ўрганади. Олти ой илм олиб китобни мустақил ўқийдиган бўлгач, Қуръон оятлари ва ҳадислар маъносини англашга, уларнинг тафсирини билишга қизиқа бошлайди. Унинг илтимоси билан 1790-йилда (1205х) отаси уни Кеш вилоятига қарашли Китоб шаҳри ҳокими Холбой охунд эшикоғабоши Кенагас томонидан қурилган мадрасага олиб боради. “Холбой толиби илмлар учун шаҳарнинг марказида маълум бир тегишлик мадраса бино қилган. Атрофида яшаш учун кўп хужралар қурдирди. Илм дўконида илм матоини тору пудини ақлу фаросат, ҳиссиёт билан тоқиб зеҳну хаёл игнаси билан либос тикадиганлар учун жамики озуқа, кийим-кечак ва бошқа эҳтибонларни муҳайё қилган эди”[8.-51bet]. Холбой охунд мадрасасида Жумақули Хумулий аввал Мулло Эрназар Намангонийдан таҳсил олади. Кейинчалик устози ҳаж сафарига кетгач, таҳсилни Муҳаммад Лутфулло Хожа кўлида давом эттиради. Устоз илми аруз, қофия, иншо, шеър, илми масоҳат (яъни геодезия ва картография) фароизга ўхшаш илмларни “қофия”ни дарс қилиш асосида батафсил таълим бердилар. Лутфулло Хожа ҳазратлари хусусида муаллиф қуйидагиларни баён этади: “У

киши Афлотуни даврон, султони муҳаққиқин, муродул фиджин, алломаи замон, мужтаҳидий аср, асрнинг ягонаси, илми ҳол ва илми қолдан бохабар, диннинг устуни, имомларнинг нури даражада Зуҳалмонанд, ҳазрати қози яъни Жаноб Муҳаммад Лутфуллоҳ –Бобо Хожа номи билан шуҳрат топган”.[8 -74б] Лутфулло Хожа ўз даврида Амири маъсум Шоҳмурод ташаббуси билан Самарқанднинг Тиллакори мадрасасига мударрис этиб тайинланади. Бундан ташқари Лутфулло Хожага яна қатор лавозим ва вазифалар топширилганлиги хусусида муаллиф ўз асарида қуйидагиларни баён этади:

Устоз Лутфуллоҳ хожа Амир Шоҳмурод даврида Тиллокори мадрасасида мударрислик қилиш билан бир қаторда Самарқанд шаҳри фатво ҳайъатини ҳам бошқардилар. “Ҳокимлар ва бошқа кишиларга хушомадгўйлик қилишдан четда турар эдилар. Яхшиликка буюриш, ёмонликдан кишиларни қайтаришда устувор эдилар. Адолатни ошкор этишда тенглари топилмас эди. Амиру қози ва ҳокимларга насиҳат қилишдан кўрқмас эдилар. Олиму фузалолар билан баҳслашган пайтда у киши келтирган далилу ҳужжатлар билан доимо ғолиб келар эдилар. Ҳоким ёки қози бирор мункар, ёқимсиз амални қилиб қўйса, уларни кўрқмай танқид қилар эдилар” [8. -79б] деб қайд этилади асарда. Амир Ҳайдар отасининг вафотидан сўнг устоз –Лутфуллоҳ Хожани Бухорои шарифга кўчируб борди. У кишини туманларга қози ва шаҳарнинг катта мадрасаларига мударрис этиб тайинлади.



Таъкидлаш жоизки, Лутфулло Хожанинг укалари Сўфи Хожа ҳам кўп йиллар Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб, илми динни ва сулуки яқинни, мантиқ илмини ўзлаштирганлар. Шу пайтлар хаттотлик билан ҳам шуғулланганлар: “бир ҳафта ичида “Шарҳи Жалолий” китобини чиройли хуснихат билан кўчириб сотар, бу пул билан беш-олти нафар мусофир хужрадошларини ҳам таъминлаб турар эдилар”. [8. -92б] Сўфи Хожага ҳам Амир Ҳайдар бир неча марта амалдорлик лавозимларини таклиф этган, аммо у киши рад этиб, кейинчалик Ургут қасабасига, оталари ёнига қайтганлар.

Асар муаллифи устоз Лутфулло Хожа авлодлари ҳақида маълумот келтирар экан шундай ёзади: “Бу улуғ хонадон аҳлининг ҳаммалари эркагу аёл, каттаю кичиклари зоҳирий ва ботиний билимлар билан зийнатланган” [8. -91б].

Жумладан, асарда Лутфуллохожанинг фарзандлари Ширин Хожа ҳандаса, ашъор, аруз, мусиқа, адвор, иншо ва имло каби билимларни, Офоқ Хожа фалакиёт илмларини касб этганлиги, Сўфи Хожа авлодидан эшон Муттаҳар Хожа айнан шу асарни, яъни “Тарихи Хумулий”ни қайта кўчирганлиги, яъни хаттотликдан хабардорлиги ҳақида қайд этилган.

Шу ўринда асарда яна бир қизиқарли маълумот берилган, яъни

Сўфи Хожа авлодидан бўлган эшон Боқир Хожа ва эшон Муттаҳар Хожа Самарқанддаги “Руҳобод” мадрасасида “Шарҳи Мулло”дан таҳсил олганлиги ҳақида қайд этилган. Шунингдек, асарда шундай шарҳ келтирилган: “Ҳазрати Руҳобод – аслида исмлари шайх Бурҳониддин Қиличдур. Руҳобод – лақаб. У киши ўн тўртинчи қутбнинг муршидларидан”. [8. -104б] Демак, XIX аср охирларида бугунги кунда биз мақбара сифатида билган “Руҳобод” мадраса сифатида ҳам фаолият юритган. Бундан келиб чиқиб, бу даврда Самарқанднинг деярли барча қадимий иншоотларда мадрасалар ташкил этилган ва доимий равишда толиби илмларга таълим тарбия берилганлигини хулоса қилиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ватанимизда яшаб ўтган илм ва фазл аҳллари томонидан кўплаб бинолар, жумладан, масжид ва мадрасалар бунёд этилган. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, мадрасаларда таълим бепул амалга оширилган, ҳамда талабаларнинг яшаши ва таълим олиши учун зарур барча шароитлар мадраса зиммасида бўлган. Мазкур масжид ва мадрасаларда замонасининг таниқли уламолари, пир мақомига етган зотларнинг дарс ўқитишлари бир томондан толиби илмлар учун мактаб вазифасини ўтаган бўлса, бошқа томондан халқнинг маънавий баркамоллигига ҳисса қўшган.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Мири (Мир Хусайн ибн Шахмурад). Махазин ат-таква. –Рукопись. ИВ АН Р Уз. №51.-лл.204б-206а



2. Борнс А. Путешествие в Бухару: Рассказ о плавании по Инду от моря до Лагора с подарками великобританского короля и отчет о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию, предпринятом по предписанию высшего правительства Индии в 1831, 1832 и 1833 годах лейтенантом Ост-Индской компанейской службы, Александром Борнсом, членом Королевского общества/ Пер. П.В. Голубкова. Ч. 2. -М., 1848. -431 с.
3. Джурабаев Джамшед Хабибуллаевич. Бухарский эмират второй половины XVIII первой половины XIX вв. в письменных источниках. Дисс. Доктора исторических наук. Худжанд:2014. -327с.
4. Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII – XIX вв.) . -Алматы: Изд. «Дайк – Пресс», 2004.- 516 с.
5. Иванов П.П. Очерки истории по Средней Азии (XVI - середина XIX в.).- М.:Изд. Восточной лит., 1958.- С. 107-108.
6. Маликов А.М. [Культура Самарканда в конце XVIII - первой половине XIX в. // Культурно-исторические процессы в Центральной Азии \(древность и средневековье\). - Алматы: Дайк-пресс, 2012. -С.292.](#)
7. منشآت عبدالله مرواريد. شهاب الدين عبدالله مرواريد. نسخ خطی. کتابخانه و موزه ملک. شماره 3798. ص 20.
8. MULLĀ JUM‘A-QULĪ KHUMŪLĪ, TĀRĪKH-I KHŪMULĪ. Edited by Ghulom Karimiy and Iroda Qayumova. Editor-in-chief: Haydar Yuldashkhodjayev. Samarkand-Tashkent: ICAS,2013. -243p.